

17.02.2023
06-01/18.

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Туман ҳокими ўринбосари,
Оила ва Хотин-қизлар
бўлими бошлиғи
Г.Бобомуродова
17 02. 2023 йил



Нурота туман хотин-қизлар қўмитасининг йиғилиш

БАЁНИ

2023 йил 16 январь

Нурота тумани

Йиғилиш раиси:

Г.Бобомуродова-туман ҳокими
ўринбосари, Оила ва хотин-қизлар
бўлими бошлиғи

Қатнашганлар:

Бошқарув аъзолари, корхона
ва ташкилотлар масъул
ходимлари (рўйхат бўйича)

КУН ТАРТИБИДА:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 апрелдаги №257-сонли қарорига кўра “Мўътабар аёл” кўкрак нишони комиссияси ишини ташкил этиш, комиссия томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳамда вилоят Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг 2023 йил 12 январдаги №07-09/38-сонли йиғилишида белгиланган вазифалар тўғрисида

(Бобомуродова, Тўйчиев,, Бобомуродова)

Йиғилишни туман ҳокими ўринбосари, Оила ва хотин-қизлар бўлим бошлиғи Г.Бобомуродова кириш сўзи билан очиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 мартдаги “Оила ва хотин-қизларни қўллаб тизимли қўллаб қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чоратadbирлари тўғрисидаги”ги ПФ-87-сонли Фармони асосида жамият ва давлат ҳаётида фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатган, ўзининг самарали меҳнати билан оиланинг шакилланишига ва фаровонлиги мустаҳкамланишига, оналик ва болалик муҳофазасида муносиб ҳисса қўшган, шунингдек соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, уларни ватанпарварлик ва истиқлол ғояларга садоқат руҳида тарбиялаш, жойларда маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш ва миллий қадриятларимизни

кенг тарғиб этиш, борасида ибратли фаолият олиб бораётган хотин-қизларни “Мўътабар аёл” кўкрак нишони билан тақдирлаш юртимиз аёлларига бўлган эътибор давлат сийёсати даражасига кўтарилганлигининг юксак намунаси эканлиги ҳақида тўхталиб ўтди.

Кун тартибидаги масала юзасидан билдирилган фикр ва мулоҳазаларн инобатга олиб, Бошқарув йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Вилоят Оила ва хотин-қизлар бўлимининг 2023 йил 12 январдаги №07-09/38-сонли Бошқарув йиғилиши баёни раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ушбу йиғилиш баёни билан “Мўътабар аёл” кўкрак нишонига тавсия қилиш бўйича туман комиссияси таркиби 1-иловага, туман оила ва хотин-қизлар бўлимининг “Мўътабар аёл” кўкрак нишони бўйича тавсиялар 2-иловага, тақдим этиладиган ҳужжатлар 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Туман Оила ва хотин-қизлар бўлими (Д.Адизовага) га:

Комиссия томонидан кўкрак нишони билан тақдирлашга тавсия этилган номзодларнинг ҳужжатлари кўриб чиқилиб, унинг хулосасига кўра тегишли йиғилиш қарорлари асосида 2023 йилнинг 20 январь санасига қадар ҳужжатларни вилоят Оила ва хотин-қизлар бўлимига тақдим этиш;

Туманда номзодларни танлаш ва ҳужжатларини тайёрлаш жараёнида “Мўътабар аёл” кўкрак нишони тўғрисида “Мўътабар аёл” кўкрак нишони тўғрисидаги Низом талаблари, ушбу мукофотга доир бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда Қўмита томонидан берилган тавсия ва намуналарга қатъий амал қилинсин;

Кўкрак нишонига энг муносиб номзодларни тавсия этишни таъминлаш мақсадида туманда халқ эътирофига сазовор бўлган, меҳнат фаолиятида кўплаб ютуқларга эришган номзодларни тавсия этишни таъминлаш мақсадида, халқ эътирофига сазовор бўлган, меҳнат фаолиятида кўплаб ютуқларга эришган номзодларни жалб этилишига эътибор қаратилсин.

3. Ушбу йиғилиш баёни ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Расмийлаштирди:  Д.Адизова

Туман Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг
2023 йил 16 январдаги
№07-09/38-Бошқарув йиғилиши қарорига
1-илова

**“Мўътабар аёл” кўкрак нишонига тавсия қилиш бўйича туман
комиссияси
ТАРКИБИ**

| № | Исм-Фамилияси | Лавозими |
|----------|----------------------|--|
| 1. | Г.Бобомуродова | Туман ҳокими ўринбосари, Оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи, комиссия раиси |
| 2 | Х.Тўйчиев | Туман ҳокимлиги Ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари, комиссия раиси ўринбосари |
| 3 | А.Адизова | Туман Оила ва хотин-қизлар бўлими етакчи мутахассиси, комиссия масъул котиби |
| 4 | Ш.Ҳусенова | Туман “Оқила аёллар” ҳаракати аъзоси |
| 5 | Д.Ҳасанова | Туман Давлат мактабгача таълим ташкилои бўлими мудир, комиссия аъзоси |
| 6 | М.Орипова | “Хотин-қизлар тадбиркорлик маркази” раҳбари |